

**“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти  
тафтиш комиссиясинингхулосаси**

“24” 11 2021 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис  
Юлдашов Жалолиддин Ярашевич - аъзо  
Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

**Жамиятнинг 2021 йил 2 чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари  
қуйидаги кўрinishида бўлган:**

№	Кўрсаткичлар номи	Минг сўм	
		2020й. 2 чорак	2021 й. 2 чорак
			-/+ фарқи
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	30 135 055	52 887 279
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш танархи	22 772 765	28 254 843
3.	Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	7 362 290	24 632 436
4.	Дебиторлик қарзлари	152 832 462	178 155 025
5.	Кредиторлик қарзлари	25 807 320	32 949 030
6.	Давр харажатлари	10 861 809	20 863 409
7.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 199 906	2 307 616
8.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	-2 299 613	6 076 643
9.	Молиявий фаолият бўйича даромадлар	0	353
10.	Фойда солиғи тўлаунга қалдар фойда	-3 170 376	5 997 640
11.	Фойда солиғи	0	925 640
12.	Ҳисобот давридаги соф фойда	-3 170 376	5 072 000

2021 йил 2 чоракда 96 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 134,2 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 39,8 фоизга, 2020 йил 2 чоракка нисбатан эса 27,5 фоизга ўсган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилганда, 2020 йил 2 чорак якуни бўйича дебитор қарзлари 152 832 462 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил 2 чорак якуни бўйича 178 155 025 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 25 322 563 минг сўмга кўпайган.

Кредитор қарзлари 2020 йил 2 чорак якуни бўйича 25 807 320 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил 2 чорак якуни бўйича 32 949 030 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 7 141 710 минг сўмга кўпайган.

Жамиятнинг 2021 йил 2 чоракда маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 2 463 2436 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 17 270 146 минг сўмга ошган. Корхонанинг 2021 йил 1 чорак якуни бўйича фойда солиғи тўлаунга

қадар фойдаси 5 997 640 минг сўмни ташкил этган, 925 640 минг сўм миқдорда фойда солиғи тўланган. Натижада жамиятнинг олган соф фойдаси 5 072 000 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 2 чорагида тузилган шартномаларнинг умумий сони 139 та бўлиб, улардан 99 таси махсус электрон портал орқали ва 40 та шартнома тўғридан-тўғри тузилганлиги маълум бўлди.

Тўғридан-тўғри тузилган шартномалардан умумий қиймати 2 790 429 минг (икки миллиард еттиюз тўқсон миллион тўртюз йигирма тўққиз минг) сўм бўлган жами 31 та шартнома бўйича хужжат (асос) тақдим этилмаган.

2021 йил 2 чорак давомида йирик битимлар тузилмаган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 2 чорак давомида аффилиланган шахслар билан иловага мувофиқ 8 та шартнома тузилганлиги аниқланди, бироқ мазкур рўйхатни тасдиқловчи хужжат (асос) тақдим этилмади.

Юқорида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва аниқлик киритиш бўйича тафтиш комиссияси томонидан жамиятга бир неча бор мурожаат қилинган бўлиб, барча мурожаатлар эътиборсиз қолдирилган.

Махкур ҳолатлар бўйича “Шарғунқумир” АЖ кузатув кенгаши томонидан ижро органига тегишли чоралар кўрилиши сўралади.

Тафтиш комиссияси раиси:

А.А. Шакиров



Тафтиш комиссияси аъзолари:

Ж.Я. Юлдашов



Н.Р. Абдухакимова

